

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

РАДЖАБОВ НУРБЕК ГАФУРОВИЧ

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ПНЕВМОСКЛЕРОЗДА ЮРАКДАГИ
МОРФОЛОГИК ҶЗГАРИШЛАР ВА УНИНГ АНОР ДАНАГИ МОЙИ
БИЛАН ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Раджабов Нурбек Гафурович

Экспериментал пневмосклерозда юракдаги морфологик ўзгаришлар ва унинг анор данаги мойи билан даволаш самарадорлиги..... 3

Раджабов Нурбек Гафурович

Морфологические изменения сердца при экспериментальном пневмосклерозе и эффективность его лечения маслом косточек граната..... 25

Radzhabov Nurbek Gafurovich

Morphological changes of the heart in experimental pneumosclerosis and the effectiveness of its treatment with pomegranate seed oil..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works 52

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

РАДЖАБОВ НУРБЕК ГАФУРОВИЧ

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ПНЕВМОСКЛЕРОЗДА ЮРАКДАГИ
МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР ВА УНИНГ АНОР ДАНАГИ МОЙИ
БИЛАН ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2634 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	Тешаев Шухрат Жумаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар	Зокирова Наргиза Баходировна тиббиёт фанлари доктори Қурбонов Саид Сафарович тиббиёт фанлари доктори, профессор (Тожикистон Республикаси)
Етакчи ташкилот	Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ кунини соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Веб-сайт: www.bsmi.uz; e-mail: info@bsmi.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, e-mail: info@bsmi.uz)

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ кунини тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.Р. Мирзоева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Н.Қ. Дўстова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

М.Т.Ҳамдамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори (DSc) профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда юрак-қон томир тизими касалликлари инсоннинг ҳаёт сифатига таъсир қилувчи патологияларни, хусусан синусли аритмиялардан тортиб ўткир миокард инфарктини ўз ичига олувчи кенг спектрдаги касалликлар гуруҳи ҳисобланиб, тарқалганлиги жиҳатидан дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эълон қилган маълумотга кўра «...ҳозирги кунда 640 млн киши юрак-қон томир аъзолари касалликларидан азият чекмоқда. Шунингдек, ушбу касалликлар ҳар куни 55000 кишининг умрига зомин бўлмоқда...»¹. Бу кўрсаткичлар ҳаёт тарзининг ўзгариши, ўртача умр кўриш ёшининг узайиши ва аҳоли популяциясининг кўпайишига боғлиқ ҳолда параллел равишда ўсиб бормоқда. Сўнгги йилларда ушбу тизим касалликларининг патоморфологияси, клиник кечиши ўрганишда, ташхисотида эришилган ютуқларга қарамай, даволаш усулларини танлаш ва уларнинг самарадорлиги нуқтаи назаридан бир қатор ҳал этилмаган муаммолар сақланиб қолмоқда.

Жаҳонда юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларда COVID-19 пандемияси асоратларини юмшатиш мақсадида уларнинг ривожланиш хусусиятларини баҳолаш ва эрта ташхислаш усулларини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. SARS-CoV-2 инфекциясидан кейин кузатиладиган ўпка фибрози «...хужайраларнинг реэпителизацияси, фибробластларнинг активлашиши, коллаген толаларининг ортиқча деполаниши...»² туфайли ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ушбу патологияда юрак тўқимасида кузатилган жараёнларнинг механизмини очиб бериш, юрак структур элементлари шикастланишида заиф бўғинларни аниқлаш, касалликнинг ривожланиши, кечиши, асоратланишини башорат қилиш, уларнинг узоқ муддатли натижаларини инобатга олиб, танланган йўналишнинг долзарблигини ва мавжуд замонавий ёндашувларни оптималлаштириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Шунинг учун, юрак ва бутун организмнинг морфофункционал бузилишларининг патогенетик алгоритмини тузишга, касалликлар прогнози ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, амалий тиббиётга юқори технологик услубларни жорий қилиш, турли омиллар таъсирида юзага келадиган соматик касалликлар ва уларнинг асоратларини бартараф этишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон-2030 стратегиясининг устувор йўналишлари асосида, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...6,7 миллион нафар 40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли орасида юрак-қон томир,

¹ British Heart Foundation. Global Heart & Circulatory Diseases Factsheet. September 2024

² Rumende C.M. et al. The Management of Pulmonary Fibrosis in COVID-19. Acta Med Indones. 2021 Apr; №53(2). P-233-241.

қандли диабет, ўпканинг сурункали обструктив касалликлари хавфини аниқлаш бўйича профилактик кўриклар ташкил этиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда нафас олиш тизимидаги патологик ҳолатларнинг юракнинг морфофункционал кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ 60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2022 йил 1 январдаги ПҚ 103-сон «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Интерстициал ўпка касалликларининг, шу жумладан ўпка фиброзининг ривожланиши ва юқори ўлим кўрсаткичи кўпинча юрак-қон томир тизими касалликларининг мавжудлиги билан боғлиқ: юрак ишемик касаллиги, ўпка эмболияси, сурункали юрак этишмовчилиги, ҳаёт учун хавфли аритмиялар шулар жумласидандир (Agrawal A. et al, 2016; Orrego S.M. et al, 2014). Ўпка фиброзидаги яллиғланиш жараёни тизимли яллиғланишнинг бир қисми сифатида коронар артерияларнинг шикастланишини ўз ичига олиши мумкин (Raḡhu G. et al, 2015). Идиопатик ўпка фибрози бўлган беморларда янги ташхис қўйилган юрак ишемик касаллиги билан касалланиш 2,3 баравар юқори (Suzuki A. et al, 2017), ўткир коронар синдром хавфи умумий популяциядаги юрак касалликлари бўлган беморларга қараганда 2,75 баравар юқори ҳисобланади (Kim W.Y. et al, 2015).

Ўпка фибрози ўпка паренхимасида толали чандиқ тўқималарининг кўпайиши билан тавсифланган патологик жараён бўлиб, ўпка тўқимасини қайта шакллантирадиган патологик ўзгаришлар ҳужайрадан ташқари

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-37-сон фармони

бўшлиқда коллагеннинг чўкишидан олдин содир бўлади (А.Г. Чучалин, 2022). Натижада, ўпка тўқималарининг эластиклиги ва чўзилишининг пасайиши туфайли ўпканинг нафас олиш функцияси пасаяди (Х.Ф. Бисемалиева ва бошқ., 2022). Пневмосклероз - фибрознинг морфологик босқичи бўлиб, бунда ўпка тўқималарининг кенг қамровли алмашинуви ва қалинлашуви содир бўлади (А.В. Медведев ва бошқ., 2018). Коронавирус пандемияси ўпка фиброзининг турли босқичлари билан оғриган беморларнинг сонини кўпайтирди ва касалликнинг прогнозини ёмонлаштирди. Прогрессив ўпка фибрози COVID-19 билан касалланган кўплаб беморларнинг ўлимига сабаб бўлиши мумкин, шу билан бирга омон қолганларнинг катта қисмида узок муддатли ўпка дисфункцияси ва ўпка фиброзини кўрсатадиган рентгенологик белгилар сақланиб қолади (К.А. Айтбаев ва бошқ., 2021).

Республикамизда ҳам турли экспериментал моделларда юрак қон томир тизимидаги ўзгаришлар бир қатор маҳаллий олимлар томонидан ўрганилган, жумладан пестицидларнинг юракнинг макро-микроскопик тузилишига таъсири (С.М. Ахмедова, 2016), алкогольдан заҳарланишда юрак морфометрик кўрсаткичларнинг ўзгариши (М.М. Зиёдуллаев, 2024) тадқиқ этилган. Шунингдек, ўпка пневмосклерозида ички аъзоларнинг, хусусан қалқонсимон без (М.Ш. Каримова, 2024), ошқозон (М.М. Ширинов, 2024), ингичка ичакдаги (А.И. Барноев, 2024) структур ўзгаришлар таҳлил қилинган.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлар, фан ва амалиётда муҳокама этилаётган ўпка пневмосклерози ва унинг эрта ёки кечки асорати сифатида ривожланадиган юракдаги морфофункционал ўзгаришлар муаммоси долзарблигини, ушбу саволларнинг замонавий адабиётларда етарли ёритилмаганлигини кўрсатиб берган. Юрак тўқимасида пневмосклероз фонида келиб чиқадиган патологик ҳолатларни камайтириш учун чоратадбирлар ишлаб чиқиш, коррекция учун халқ табобатида қўлланиладиган анор данаги мойининг самарадорлигини баҳолашга бағишланган қатор илмий тадқиқот ишларининг ўтказилишининг зарурати ҳали муаммонининг ечими мукамал эмаслигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш” (2022-2026 й.) мавзуси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади экспериментал пневмосклерозда оқ зотсиз каламушлар юрагидаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлар ва уларни анор данаги мойи билан даволаш самарадорлигини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

меъёрда, ўпка пневмосклерозида ва анор данаги мойи билан коррекциядан сўнг умумий тана ва юракнинг органометрик кўрсаткичларини ўрганиш;

меъёрда ва ўпка пневмосклерози фонида коррекциягача ва ундан кейин юрак микроциркулятор ўзан томирларининг морфометрик кўрсаткичларини солиштирма таҳлил қилиш;

ўпка пневмосклерози фонида ва даводан кейин юрак структур элементларидаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш;

тажриба гуруҳларидаги оқ зотсиз каламушлар юрак тўқимасида CD-45 ва Ki-67 маркёрларининг экспрессия даражасини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти. Тажрибавий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида 225 та ҳар иккала жинсига мансуб бўлган 3, 6, 9, 12 ойлик оқ зотсиз каламушлар олинган. Тадқиқот мақсадига мувофиқ барча кузатилган ҳайвонлар назорат (интакт) ва иккита - I, II тажриба гуруҳларига бўлинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб тажриба остидаги оқ зотсиз каламушлардан олинган юракнинг умумий макро-препарати ва юрак тўқимасининг турли қисмларидан олинган гистологик материаллар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини бажариш мақсадида экспериментал, гистологик, морфометрик, иммуногистохимёвий, шунингдек статистик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

постнатал онтогенезда меъёрда ва ўпка пневмосклерозида юракнинг органометрик кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари баҳоланиб, тажрибада юрак нисбий вазнининг катталашуви асосланган;

ўпка пневмосклерози таъсирида юрак структур тузилмалари ва микроциркулятор ўзан томир кўрсаткичларининг патологик ошиши исботланган;

илк маротаба пневмосклероз касаллиги фонида юракдаги строма-кардиомиоцитар нисбат ўрганилган ва унинг қон-томирлар, бириктирувчи тўқима, кардиомиоцитлар юзаси билан боғлиқлиги таҳлил қилинган;

иммуногистохимёвий текширишда ўпка пневмосклерози фонида коррекция мақсадида қўлланилган анор данаги мойининг юрак кардиомиоцитлари пролифератив фаолиятини кучайтириши, лейкоцитлар билан инфилтрация даражасини камайтириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

олинган маълумотлар ёш аспектида юрак ҳужайраларининг регенератив хусусиятини ошириш ва патологик омилларнинг салбий таъсирини камайтириш учун амалий аҳамият касб этган

ўпка фибрози қайд этилган беморларда юрак фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ касалликларни олдини олишда анор данаги мойини амалиётда қўллашнинг самарадорлигининг юқорилиги исботланган.

тадқиқот натижалари ўпка пневмосклерози фонида юракнинг морфологик ва морфометрик параметрлар бўйича мавжуд морфофункционал маълумотлар базасини сезиларли даражада тўлдирган.

олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган амалий тавсиялар анатомия, гистология, терапия ва кардиология кафедралари ўқув жараёнига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот дизайнига назарий ёндашув ва олиб борилган тадқиқот босқичларининг услубий жиҳатдан тўғрилиги, замонавий, бир-бирини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, гистологик ва статистик тадқиқот усулларининг тўғри танланганлиги ва қўлланилганлиги, ўпка пневмосклерози фониди ва анор данаги мойи билан коррекциядан сўнг юрак тўқимасининг ҳолати бўйича олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг маълумотлари билан солиштирилганлиги, олинган натижалар ва хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлигига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, экспериментал пневмосклерозда ва уни анор данаги мойи билан коррекциядан сўнг юракдаги морфологик ўзгаришларни ўрганиш натижасида нафас олиш тизими ва юракнинг структур элементлари ўртасидаги боғлиқлик, шунингдек, постнатал онтогенезда ёшга қараб ушбу параметрларнинг динамикада ўзгариши аниқланган, бу эса ташхисот усулларини оптималлаштириш ва юракнинг морфофункционал ҳолатини баҳолаш имконини берганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўпка пневмосклерози фониди юрак кардиомиоцитларида, стромада, микроциркулятор ўзан томирларидаги патологик ўзгаришларнинг олдини олиш, эрта ва кечки асоратлар пайдо бўлганда самарали даволашнинг комплекс чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва илмий лабораторияларда мавжуд экспериментал тадқиқот усулларини такомиллаштиришга ёрдам берганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Экспериментал пневмосклерозда юракдаги морфологик ўзгаришлар ва унинг анор данаги мойи билан даволаш самарадорлиги натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: постнатал онтогенезда меъёра ва ўпка пневмосклерозида юракнинг органометрик кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари баҳоланиб, тажрибада юрак нисбий вазнининг катталашуви асосланганлиги бўйича таклифлар Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 15 июнда 23-м/049-сон билан тасдиқланган «Пневмосклерозда юракда юзага келадиган морфологик ўзгаришларни аниқлашни мувофиқлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Бухоро вилоят минтақавий филиали бўйича 21.11.2024 йилдаги 01-55-сон ҳамда Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 22.11.2024 йилдаги 4157-2-208-ТБ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 15 январдаги 11/28-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: тажрибавий пневмосклерозда юракдаги

морфологик кўрсаткичлар ва уларга анор данаги мойининг таъсири бўйича комплекс ёндашув беморларнинг турмуш тарзини, хаёт сифатини яхшилашга, даволаш самарадорлигини оширишга ва ногиронликни камайтиришга имкон берган. Иқтисодий самарадорлиги: пневмосклерозда юракдаги морфологик ўзгаришлар ва унинг анор данаги мойи билан даволашни самарадорлигини амалга ошириш механизмининг ишлаб чиқилганлиги асосида ташхислаш ва даволашга бўлган янгича ёндашувни жорий этиш натижасида беморларга сарфланадиган бюджет маблағлари 100000 сўмга иқтисод қилинди;

иккинчи илмий янгилик: ўпка пневмосклерози таъсирида юрак структур тузилмалари ва микроциркулятор ўзан томир кўрсаткичларининг патологик ошиши исботланганлиги бўйича таклифлар Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 15 июнда 23-м/049-сон билан тасдиқланган «Пневмосклерозда юракда юзага келадиган морфологик ўзгаришларни аниқлашни мувофиқлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Бухоро вилоят минтақавий филиали бўйича 21.11.2024 йилдаги 01-55-сон ҳамда Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 22.11.2024 йилдаги 4157-2-208-ТБ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 15 январдаги 11/28-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: тажрибавий пневмосклерозда юракдаги морфологик кўрсаткичлар ва уларга анор данаги мойининг таъсири бўйича комплекс ёндашув беморларнинг турмуш тарзини, хаёт сифатини яхшилашга, даволаш самарадорлигини оширишга ва ногиронликни камайтиришга имкон берган. Иқтисодий самарадорлиги: пневмосклерозда юракдаги морфологик ўзгаришлар ва унинг анор данаги мойи билан даволашни самарадорлигини амалга ошириш механизмининг ишлаб чиқилганлиги асосида ташхислаш ва даволашга бўлган янгича ёндашувни жорий этиш натижасида беморларга сарфланадиган бюджет маблағлари 100000 сўмга иқтисод қилинди;

учинчи илмий янгилик: илк маротаба пневмосклероз касаллиги фонида юракдаги строма-кардиомиоцитар нисбат ўрганилган ва унинг қон-томирлар, бириктирувчи тўқима, кардиомиоцитлар юзаси билан боғлиқлиги таҳлил қилинганлиги бўйича таклифлар Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 15 июнда 23-м/049-сон билан тасдиқланган «Пневмосклерозда юракда юзага келадиган морфологик ўзгаришларни аниқлашни мувофиқлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Бухоро вилоят минтақавий филиали бўйича 21.11.2024 йилдаги 01-55-сон ҳамда Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 22.11.2024 йилдаги 4157-2-208-ТБ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 15 январдаги 11/28-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: тажрибавий пневмосклерозда юракдаги

морфологик кўрсаткичлар ва уларга анор данаги мойининг таъсири бўйича комплекс ёндашув беморларнинг турмуш тарзини, хаёт сифатини яхшилашга, даволаш самарадорлигини оширишга ва ногиронликни камайтиришга имкон берган. Иқтисодий самарадорлиги: пневмосклерозда юракдаги морфологик ўзгаришлар ва унинг анор данаги мойи билан даволашни самарадорлигини амалга ошириш механизмининг ишлаб чиқилганлиги асосида ташхислаш ва даволашга бўлган янгича ёндашувни жорий этиш натижасида беморларга сарфланадиган бюджет маблағлари 100000 сўмга иқтисод қилинди;

тўртинчи илмий янгиллик: иммуногистохимёвий текширишда ўпка пневмосклерози фонида коррекция мақсадида қўлланилган анор данаги мойининг юрак кардиомиоцитлари пролифератив фаолиятини кучайтириши, лейкоцитлар билан инфилтрация даражасини камайтириши исботланганлиги бўйича таклифлар Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 15 июнда 23-м/049-сон билан тасдиқланган «Пневмосклерозда юракда юзага келадиган морфологик ўзгаришларни аниқлашни мувофиқлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Бухоро вилоят минтақавий филиали бўйича 21.11.2024 йилдаги 01-55-сон ҳамда Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 22.11.2024 йилдаги 4157-2-208-ТБ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 15 январдаги 11/28-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: тажрибавий пневмосклерозда юракдаги морфологик кўрсаткичлар ва уларга анор данаги мойининг таъсири бўйича комплекс ёндашув беморларнинг турмуш тарзини, хаёт сифатини яхшилашга, даволаш самарадорлигини оширишга ва ногиронликни камайтиришга имкон берган. Иқтисодий самарадорлиги: пневмосклерозда юракдаги морфологик ўзгаришлар ва унинг анор данаги мойи билан даволашни самарадорлигини амалга ошириш механизмининг ишлаб чиқилганлиги асосида ташхислаш ва даволашга бўлган янгича ёндашувни жорий этиш натижасида беморларга сарфланадиган бюджет маблағлари 100000 сўмга иқтисод қилинди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларга муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 102 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тажрибавий пневмосклерозда юракдаги морфофункционал ўзгаришлар ва уларни анор данаги мойи билан коррекциялашнинг замонавий жиҳатлари (Адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Маҳаллий ва хорижий олимларнинг сўнгги йиллардаги илмий ютуқлари таҳлил қилинган. Унда илмий манбаларда нашр этилган сурункали обструктив ўпка касалликлари, пневмосклероз, COVID-19 инфекциясидан кейинги ўпка фибрози таъсирида ички аъзоларда юзага келадиган морфологик ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган. Шунингдек, турли ташқи ва ички омиллар таъсирида, юракнинг инфекцион ва ноинфекцион касалликларида юзага келадиган юрак тўқимасидаги салбий ўзгаришлар ҳар бир патология мисолида батафсил маълумотлар келтирилган. Ушбу бобнинг сўнгги кичик бобида анор данаги мойининг фойдали хусусиятлари, унинг мураккаб кимёвий таркиби, унинг замонавий тиббиётда юрак патологияларида ишлатилиш истиқболлари тўғрисида адабиётлар таҳлили берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар ва уларда фойдаланилган материаллар, шу билан биргаликда, кўлланилган морфометрик, иммуногистохимёвий ва статистик тадқиқот усуллари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Диссертация иши 2022 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий ва экспериментал Биотиббиёт тадқиқот маркази лабораториясида бажарилган. Тадқиқотлар Бухоро давлат тиббиёт институти маҳаллий этика қўмитасининг рухсатномаси асосида ўтказилган (5/Т112-сон).

Тажрибани ўтказиш учун ҳар иккала жинсдаги 3 ойлик 225 та оқ зотсиз каламушлар танланган. Каламушлар 3 та катта асосий гуруҳга бўлинди (n=225): - назорат гуруҳи (n=75); - I тажриба гуруҳи – пневмосклероз касаллиги чақирилган, лекин бирон–бир дори воситаси берилмаган каламушлар (n=75); - II тажриба гуруҳи - диффуз пневмосклероз касаллиги чақирилган ва анор данаги мойи билан даволанган каламушлар (n=75).

Тажрибани ўтказиш мақсадида зич ёпиладиган маҳсус 0,34 м³ ҳажмга эга бўлган кути (бокс) ясалган. Каламушларда пневмосклероз чақириш мақсадида Л.Н. Данилов ва бошқалар томонидан яратилган “Ўпкаларнинг сурункали

обструктив касаллигини моделлаштириш усули” (патент № 2360296, 2009 й.) асос қилиб олинган. Сурункали пневмосклероз моделини яратиш учун каламушларга агрессив оксидант поллютант ва тамаки тутунининг асосий компоненти ҳисобланувчи азот диоксида (NO_2) билан таъсир кўрсатилган. Тажрибада барча ҳайвонлар 30 дақиқа давомида кунига 3 маҳал 30 дақиқа оралиғида заҳарли моддалар билан заҳарланган, заҳарланиш 90 кун давомида ўтказилган.

Тажриба тугагандан сўнг жонсизлантирилган каламушлардан юраги ажратиб олиниб, микротомда қалинлиги 5-7 мкм бўлган кесмалар тайёрланиб, ксилолда депарафинизация қилинган ва гематоксилин-эозин бўёғи билан, Ван-Гизон бўйича бўйлиб, морфологик ва морфометрик усуллар ёрдамида ўрганилган.

Кесмалар морфометрик усулда окуляр микрометр DN-107T / NLSD-307B (Нобел, Хитой) ёрдамида текширилди ва юракнинг қуйидаги кўрсаткичлари ўрганилган: кардиомиоцитлар диаметри (мкм), кардиомиоцитлар узунлиги (мкм), кардиомиоцитлар юзаси (мкм^2), кардиомиоцитлар цитоплазмаси юзаси (мкм^2), кўрув майдонидаги кардиомиоцитлар ядролари сони, кардиомиоцитлар ядроси диаметри (мкм), кардиомиоцитлар ядроси юзаси (мкм^2), томирлар диаметри (мкм), томирлар бўшлиғи диаметри (мкм), томирлар бўшлиғи юзаси (мкм^2), бириктирувчи тўқимали тўсиқ юзаси (мкм^2), строма – кардиомиоцитлар нисбати, ядро цитоплазматик нисбат.

Строма – кардиомиоцитлар нисбати махсус формула орқали аниқланган:
строма – кардиомиоцитлар нисбати = томирлар бўшлиғи юзаси + бириктирувчи тўқимали тўсиқ юзаси / кардиомиоцитлар юзаси.

Ядро цитоплазматик нисбат қуйидаги формула орқали аниқланган:
ядро цитоплазматик нисбат = кардиомиоцитлар ядроси юзаси / кардиомиоцитлар цитоплазмаси юзаси

Иммуногистохимёвий тадқиқот ўтказиш учун 3 мкм қалинликдаги кесмалар депарафинизация қилинган, сувсизлантирилган, ихтисослаштирилган ва автоматлаштирилган Ventana Benchmark XT (Roche, Швейцария) тизими ёрдамида антитаначалар билан бўялган.

Диссертация тадқиқоти давомида олинган морфометрик текширув натижаларига математик ишлов бериш "Statistica 6.0" (StatSoft, АҚШ) дастурининг имкониятларидан, Microsoft Office дастурий таъминот тўплами "Ексел 7.0" нинг умумий матрицасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган, стандарт оғиш ва репрезентатив хатоликар аниқланган.

Диссертациянинг «**Меъёра ва экспериментал пневмосклерозда юракдаги морфологик ва морфометрик кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикасини ўрганиш бўйича шахсий текшириш натижалари**» деб номланган учинчи боби тадқиқотда олинган натижаларига бағишланган.


Натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламушлар тана вазнининг ўсиш кўрсаткичлари 6 ойликда 57,5 г, 9 ойликда 55,7 г, 12 ойликда 51,5 г ни ташкил этган. Энг катта ўсиш суръати 6 ойлик даврда кузатилган – 43,3%, энг кам ўсиш суръати 12 ойликда қайд этилган –

20,9%. Макроскопик кўрсаткичлар текширилганда, юракнинг абсолют вазнининг ошиши 6 ойликда 145,1 мг, 9 ойликда 240,1 мг, 12 ойликда 369,7 мг ни ташкил этган. Энг юқори ўсиш суръати 12 ойлик даврда – 41,7%, энг кичик ўсиш суръати 6 ойликда – 28,9% кузатилган. Юракнинг нисбий массаси 6 ойлик даврда 0,38 мг га камайган бўлса, 9 ойликда қайтиб 0,2 мг га ошган, 12 ойликда эса 0,62 мг га ушбу кўрсаткичнинг ортганлиги аниқланган. Энг юқори ўсиш суръати 12 ойликда 17,2% ни ташкил этган. 6 ойликда юрак нисбий массаси 3 ойликка нисбатан 10,1% га камайганлиги, 9 ойликда эса 5,8% лик ўсиш кузатилган бўлсада, 3 ойликка нисбатан 4,76% га кичик эканлиги аниқланган. Юракнинг узунлиги 6 ойликда 0,16 см га, 9 ойликда 0,2 см га, 12 ойликда 0,34 см га ошганлиги кўрилган. Бунда энг баланд ўсиш суръати 12 ойлик даврда – 35,4% ни ташкил этган бўлса, энг паст ўсиш суръати 9 ойликда – 26,3% ни ташкил этган. Шундай қилиб, оқ зотсиз каламушларнинг тана вазни 3 ойлик даврдан 12 ойлик давргача 164,7 г га, юракнинг абсолют вазни 754,9 мг га, юракнинг нисбий массаси 0,44 мг га, юракнинг узунлиги 0,7 см га ўсган.


Миокард қаватида жойлашган кардиомиоцитлар сони бўйича эмас, балки ҳажми бўйича устунлик қилган, аммо улар миокард умумий ҳужайраларининг атиги 30% ни ташкил қилган. Умумий ҳужайралар орасида эндотелоцитлар, фибробласт ва лейкоцит ҳужайралари аниқланган. Миокард эндомиоцитлари коллаген толалари билан ифодаланган бўлиб, алоҳида кардиомиоцитларни ўраган. Кардиомиоцитларнинг марказида овал шаклдаги ядро кўрилган. Кўрув майдонида кузатилган, миокард қаватидаги 96% кардиомиоцитлар икки ядроли эканлиги аниқланган. Гистологик жиҳатдан, назорат гуруҳининг барча ёш гуруҳидаги каламушларда юракнинг эндокард, миокард, эпикард қаватлари патологик ўзгаришларсиз бўлиб, шиш ва дистрофия элементлари ёки қон қуйилиш аломатлари кузатилмаган (1 ва 2 - расмлар). Тадқиқот жараёнида, олинган барча маълумотлар илмий адабиётларда келтирилган ёш меъёрларига мос келган.

Пневмосклероз касаллиги чақирилган 6 ойлик оқ зотсиз каламушларнинг тана вазни 45,8 г га, 9 ойлик даврда 45,2 г га, 12 ойлик даврда 28,2 г га ошган. Энг юқори ўсиш кўрсаткичи 34,5% ни, энг паст кўрсаткич эса 12 ойликда 12,6% ни ташкил қилган. Юракнинг абсолют вазни 6 ойликда 234,4 мг га, 9 ойликда 270,5 мг га, 12 ойлик даврда эса 126,9 мг га кўпайган. Энг катта ўсиш суръати – 46,7% 6 ойлик даврда кузатилган бўлса, энг кичиги – 12,6% 12 ойлик оқ каламушларда кузатилган. Юракнинг нисбий массаси ҳисобланганда, у 0,34 мг га 6 ойликда, 0,38 мг га 9 ойликда ошган. 12 ойликда эса бу кўрсаткич ўзгаришсиз қолган. Энг катта ўсиш кўрсаткичи 9 ойликда бўлиб, 9,2% ни ташкил этган бўлса, кичиги 6 ойликда 8,9% ни ташкил қилган. Юрак узунлиги 6 ойликда 0,25 см га, 9 ойликда ҳам 0,25 см га, 12 ойликда эса 0,2 см га ошган. Ўсиш суръатлари таққосланганда энг юқори кўрсаткич 6 ойлик даврда 41,6% ни ташкил қилган, энг кичик ўсиш суръати бўлса 12 ойликда 18,1% ни ташкил этган. Шундай қилиб, 3 ойлик даврдан 12 ойликкача бўлган муддатда пневмосклероз чақирилган оқ зотсиз каламушларнинг вазни 119,2 г га,

юракнинг абсолют вазни 631,8 мг га, юракнинг нисбий вазни 0,72 мг га, юракнинг узунлиги эса 0,7 см га ўсган.




1-расм. Назорат гуруҳининг 12 ойлик каламушлари юрагининг ўнг қоринча девори. Гематоксилин-эозин билан бўялган. ОК 10 х 20 ОБ. 1-кардиомиоцитлар ядролари, 2-кардиомиоцитлар орасида жаойлашган артериолалар



2-расм. Назорат гуруҳининг 12 ойлик каламушлари юрагининг чап қоринча девори. Ван-Гизон бўйича бўялган. ОК 10 х 20 ОБ. 1-кардиомиоцитлар тутами орасидаги бўйлама коллаген толалар, 2-қўндаланг кардиомиоцитлар орасидаги коллаген толалар, 3-кардиомиоцитлар тутами.


I тадқиқот гуруҳи каламушларда назорат гуруҳига нисбатан юракнинг ҳажм жиҳатдан катталашганлиги аниқланган, ҳажм жиҳатдан ошиш юракнинг ўнг бўлмача ҳамда ўнг қоринчаси миокард қаватидаги кардиомиоцитлар диаметрининг ошиши ва интерстициал шишлар ҳисобига кузатилган, юракнинг органометрик параметрларида ҳам назорат гуруҳи қийматларидан сезиларли даражада ўзгаришлар аниқланган.

Гистологик текширганда, асосан миокард соҳасининг гипоксия таъсирида зарарланган соҳасида лейкоцитлар инфильтрацияси билан ўралган кардиомиоцитларнинг фокал некрози аниқланган. Баъзи хужайралар некрозга учраган. Қон айланишининг бузилиши микроциркуляция ўзани даражасида давом этган ва гемостаз, венулаларнинг тўлақонлилиги билан кузатилган. Хужайра инфильтрацияси, артериолалар деворларининг торайиши ва шиши аниқланган. Одатда, миоцитларнинг ядролари томирнинг бўшлиғи атрофида радиал тарзда жойлашган, аммо гипоксия таъсирида хужайра ичидаги шиш туфайли улар артерия бўшлиғидан турли бурчакларда хаотик йўналганлиги аниқланган. Интерстициал бўшлиқда шиш ва хужайрали инфильтрация кузатилган. Мавжуд инфильтрация миокард бўйлаб бир текисда тарқалмаган (3 ва 4 - расмлар).



3 – расм. I тажриба гуруҳининг 12 ойлик каламушлари юрагининг ўнг қоринча деворидаги морфологик ўзгаришлар. Гематоксилин-эозин билан бўялган. ОК 10 x 10 ОБ.

1 – веноз томирлар, 2, 3 - миокарднинг интерстициал тўқимаси, 4 - мушак толалари.



4 – расм. I тажриба гуруҳининг 12 ойлик каламушлари юрагининг ўнг бўлмача деворидаги морфологик ўзгаришлар. Ван-Гизон бўйича бўялган. ОК 10 x 40 ОБ.

1-коллаген толалар тутами, 2-коллаген толалар тўри, 3-кардиомиоцитлар тўри.


«Ўпка пневмосклерозида юракдаги морфологик ва морфометрик кўрсаткичларнинг анор данаги мойи билан коррекция қилиш натижасида ўзгариш динамикасини ўрганиш бўйича шахсий текшириш натижалари» деб номланган тўртинчи бобда 1 ой давомида анор данаги мойи берилган 9 ва 12 ойлик каламушлар юрак тўқимасининг морфологик кўрсаткичларининг баёни акс этган.

Жумладан, умумий тана вазни 12 ойлик муддатда 9 ойликка нисбатан 46,5 г га ошган, ўсиш суръати 19,8% ни ташкил этган, юракнинг абсолют вазни 255,9 мг га катталашган бўлса, ўсиш суръати 26,8% ни ташкил қилган. Юракнинг нисбий вазни 0,23 мг га ўсиб, ўсиш кўрсаткичи 5,6% эканлиги аниқланган. Юракнинг узунлиги 0,2 см га ошди, ўсиш суръати бўлса 18,2% га тенг бўлган. Шундай қилиб, 3 ойлик назорат гуруҳига нисбатан 12 ойлик даврда умумий тана вазни 148 г га, юракнинг абсолют вазни 707,2 мг га, юракнинг нисбий вазни 0,52 мг га, юракнинг узунлиги эса 0,7 см га ўсганлиги аниқланган.


9 ойлик оқ зотсиз каламушлардан олинган намуналарда гипоксия таъсирида миокард шикастланишининг кучсиз ифодаланган морфологик белгилари кузатилган. Қисқарувчи кардиомиоцитларнинг аксариятида аралаш дистрофия белгилари, оч тиниқ саркоплазма, ва улардаги гиперхром юпқалашган ядролар мавжуд. Кардиомиоцитларнинг кам қисмида аниқ ядрочалари бўлган гипертрофияланган ядролар бўлиб, бу ҳужайралардаги метаболизмнинг кучайганлигини акс эттирган ва бузилмаган кардиомиоцитларда компенсацион-адаптив жараёнларнинг кечаётганлигини кўрсатган (5 ва 6 – расмлар).

II тажриба гуруҳида сурункали пневмосклероз фонидан анор данаги мойи билан 1 ой муддат давомида даво чора-тадбирларини қўллагандан кейин, 12

ойлик оқ зотсиз каламушлар юраги гистологик текширув натижаларига кўра, юракнинг барча камералардаги тўқимасидаги кардиомиоцитларнинг гистологик параметрларидаги ижобий ўзгаришлари назорат гуруҳидаги ҳайвонлар юраги гистологик тузилишидаги параметрларига яқин эканлиги, I тажриба гуруҳи ҳайвонлари юраги гистологик параметрларида бўлгани каби патологик ўзгаришлар кам эканлиги аниқланди.



5 – расм. II тажриба гуруҳининг 9 ойлик каламушлари юрагининг чап бўлмача деворидаги морфологик ўзгаришлар. Гематоксилин-эозин билан бўялган. ОК 10 x 20 ОБ. 1 – кардиомиоцитлар, 2 - мушак толаларида кучсиз дистрофик ўзгаришлар.



6 – расм. II тажриба гуруҳининг 9 ойлик каламушлари юрагининг ўнг қоринча деворидаги морфологик ўзгаришлар. Ван-Гизон бўйича бўялган. ОК 10 x 40 ОБ.

1-артериола атрофидаги коллаген толалар, 2-кардиомиоцитлар орасидаги коллаген толалар, 3-венула деворидаги коллаген толалар.


Диссертациянинг «Экспериментал пневмосклероз ва анор данаги мойи билан коррекциядан сўнг юрак тўқимасида CD-45 ва Ki-67 иммуногистохимёвий маркёрларининг экспрессияланиш даражаси» деб номланган бешинчи боби юрак тўқимасининг иммуногистохимёвий текшириш натижаларига бағишланган.

Тадқиқот давомида I ва II тажриба гуруҳларидаги 9 ойлик оқ зотсиз каламушлар юрагининг ўнг қоринча деворидаги Ki-67 ва CD-45 маркерларининг экспрессия даражасини иммуногистохимёвий усулда баҳоланган. Ушбу камерани танланганлигининг асосий сабаби, мавжуд морфологик ўзгаришларнинг асосида юракнинг ўнг ярмида кечаётган жараёнлар ҳисобланган. Ki-67 маркери хужайраларнинг пролиферациясини, CD-45 эса лейкоцитар антиген хужайраларнинг мавжудлигини кўрсатган. Бунда CD-45 маркерининг 24,39% ва 15,38% экспрессия даражаси кузатилган. Бу параметрлар 2+ (20-60% хужайралар) ва 1+ (<20% хужайралар) даражасига тўғри келган, яъни юрак тўқимасида лейкоцитар антиген хужайраларнинг даражаси анор данаги мойи таъсирида камайганлиги кўринган. Ki-67 маркерининг экспрессия даражаси эса 28,93% ва 39,64%ни ташкил қилган. Бу кўрсаткичлар 2+ (20-60% хужайралар) даражасига мос келган, яъни юрак тўқимасида хужайраларнинг ўртача даражада пролиферацияси кузатилаётганлигидан дарак берган (7-расм).

Тадқиқот давомида назорат ва тажриба гуруҳларидаги оқ зотсиз каламушлар юрагининг кардиомиоцитлар диаметри ўлчаб таҳлил қилинган. Табиийки, юракнинг тўрттала камераларида кардиомиоцитлар диаметри турлича ўлчамдалиги аниқланган. Қоринчаларда улар нисбатан каттарок, бўлмачаларда эса кичикроқлиги қайд этилган. Барча камералардаги ўлчамлар ҳисобланиб, ўртача кўрсаткич чиқарилган. Жумладан, назорат гуруҳидаги 6 ойлик каламушларда кардиомиоцитлар диаметри 1,1 мкм га, 9 ойликда 3,2 мкм га, 12 ойликда 1,6 мкм га ошган. Ўсиш суръати мос равишда 15,1%, 38,1%, 13,8% га ортгани аниқланган. Энг юқори ўсиш кўрсаткичи 9 ойликда аниқланган бўлса, 12 ойликда энг кичик ўсиш суръати қайд этилган.


